МИКРОКРЕДИТ ТАШКИЛОТЛАР УСТАВ ФОНДИНИНГ ШАКЛЛАНИШИ

Т.Т.МАДУМАРОВ

В статье на основе законодательства Республики Узбекистан освещены правовые аспекты формирования уставного фонда микрокредитных организаций

This article are covered the basis of the legislation Republic of Uzbekistan the legal aspects of formation of the authorized capital in micro credit organizations

---

Микрокредит ташкилотининг устав фонди пул маблағларидан, шунингдек, мазкур ташкилот устав фонди миқдорининг йигирма фоизидан ошмайдиган бошқа мол-мулкдан шакллантирилади. Микрокредит ташкилотининг устав фондини шакллантиришда кредитга, гаровга олинган маблағлардан ва бошқа жалб қилинган маблағлардан фойдаланишга йўл қўйилмайди. Микрокредит ташкилоти устав фондининг энг кам миқдори лицензия олиш учун мурожаат қилинган кунга қадар фақат пул маблағларидан шакллантирилган бўлиши керак.

Масъулияти чекланган жамият шаклидаги микрокредит ташкилоти Ўзбекистон Республикасининг 2001 йил 6 декабрдаги “Масъулияти чекланган ҳамда қўшимча масъулиятли жамиятлар тўғрисида”ги Қонуни[1;51]га мувофиқ таъсис этилади. Қонуннинг 2-боби жамиятни таъсис этишга оид нормаларни белгилайди. Унга мувофик, жамиятнинг муассислари таъсис шартномасини тузадилар ва жамият уставини тасдиқлайдилар. Жамият муассислари жамиятнинг ижро этувчи органларини сайлайдилар (тайинлайдилар), шунингдек, жамиятнинг устав фондига (устав капиталига) пулсиз ҳиссалар қўшилган тақдирда, уларнинг пул баҳосини тасдиқлайдилар. Жамият уставини тасдиқлаш тўғрисидаги карор, шунингдек, жамият муассислари киритадиган ҳиссаларнинг пул баҳосини тасдиқлаш тўгрисидаги қарор муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади. Жамиятнинг муассислари жамиятни таъсис этиш билан боғлиқ ва уни давлат рўйхатидан ўтказишга қадар юзага келган мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассислари уни таъсис этиш билан боғлиқ мажбуриятлари юзасидан уларнинг ҳаракатлари кейинчалик жамият иштирокчиларининг умумий йиғилиши томонидан маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўладилар. Таъсис шартномаси ва устав жамиятнинг таъсис ҳужжатлари деб ҳисобланади. Агар жамият бир шахс томонидан таъсис этилса, шу шахс тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади. Жамият иштирокчиларининг сони икки ва ундан ортиқ кишига кўпайса, улар ўртасида таъсис шартномаси тузилиши керак. Таъсис шартномасида жамиятнинг муассислари жамиятни тузиш мажбуриятини оладилар ва уни тузиш юзасидан биргаликдаги фаолият тартибини белгилайдилар. Таъсис шартномасида қуйидагилар ҳам белгиланади:

- жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) таркиби;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори ва жамият ҳар бир муассиси (иштирокчиси) улушининг миқдори;
- жамият таъсис этилаётганда, унинг устав фондига (устав капиталига) ҳиссаларни кўшиш тартиби, миқдори, усуллари ва муддатлари;
- ҳиссаларни қўшиш бўйича мажбуриятларини бузганлик учун жамият муассисларининг (иштирокчиларининг) жавобгарлиги;
- жамиятнинг муассислари (иштирокчилари) ўртасида фойда ва зарарларни тақсимлаш шартлари ва тартиби;
- жамият органларининг таркиби ва жамият иштирокчиларининг жамиятдан чиқиш тартиби.

Жамият уставида қуйидагилар кўрсатилиши керак:

- жамиятнинг тўлиқ ва қисқартирилган фирма номи;
- жамият фаолиятининг предмети;
- жамиятнинг почта манзили тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият органларининг таркиби ва ваколатлари тўғрисидаги, шу жумладан, жамият иштирокчилари умумий йиғилишининг мутлақ ваколатига кирувчи масалалар тўғрисидаги, жамият органлари томонидан қарорлар қабул қилиш тартиби тўғрисидаги, шу жумладан, қарорлар бир овоздан ёки квалификацион кўпчилик овоз билан қабул қилинадиган масалалар тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондининг (устав капиталининг) миқдори тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият ҳар бир иштирокчиси улушининг миқдори ва номинал қиймати тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият иштирокчиларининг ҳуқуқлари ва мажбуриятлари;
- жамият иштирокчисининг жамиятдан чиқиш тартиби ва унинг оқибатлари тўғрисидаги маълумотлар;
- жамият устав фондидаги (устав капиталидаги) улушнинг (улуш бир қисмининг) бошқа шахсга ўтиши тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ҳужжатларини сақлаш тартиби ҳамда жамият томонидан жамият иштирокчиларига ва бошқа шахсларга ахборот тақдим этиш тартиби тўғрисидаги маълумотлар;
- жамиятнинг ваколатхоналари ва филиаллари тўғрисидаги маълумотлар.

Агар микрокредит ташкилоти акциядорлик жамияти шаклида таъсис этилаётган бўлса, у ҳолда Ўзбекистон Республикаси 1996 йил 26 апрелдаги "Акциядорлик жамиятлари ва акциядорларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида"ги Қонунига [2] асосан таъсис этилади. Унга кўра, жамиятни таъсис этиш йўли билан тузиш муассисларнинг (муассиснинг) қарорига мувофиқ амалга оширилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор таъсис йиғилиши томонидан қабул қилинади. Жамият бир шахс томонидан таъсис этилган тақдирда жамиятни таъсис этиш ҳақидаги қарорни шу шахснинг ёлғиз ўзи қабул қилади. Жамият муассислари уни тузиш тўғрисида ўзаро таъсис шартномасини имзолайдилар, шартномада уларнинг жамиятни таъсис этиш борасида биргаликда фаолият кўрсатиш тартиби, жамият устав фондининг миқдори, муассислар ўртасида жойлаштирилиши керак бўлган акцияларнинг турлари, улар учун тўланадиган ҳақ миқдори ва бу ҳақни тўлаш тартиби, муассисларнинг жамиятни тузишга доир ҳукук ва мажбуриятлари белгилаб қўйилади. Жамиятни таъсис этиш тўғрисидаги қарор муассисларнинг овоз бериш натижаларини ҳамда жамиятни таъсис этиш, жамият уставини тасдиқлаш, жамиятни бошқариш органларини сайлаш масалалари юзасидан улар қабул қилган қарорларни акс эттириши керак. Жамиятни таъсис этиш, унинг уставини тасдиқлаш тўғрисидаги ва муассис томонидан жамият акциялари ҳақини тўлаш учун топширилаётган қимматли қоғозлар, бошқа мулкий ҳуқуқлар еки пул билан баҳоланадиган бошқа ҳуқуқларнинг пулда баҳоланишини тасдиқлаш тўғрисидаги қарорлар муассислар томонидан бир овоздан қабул қилинади.

Чет эллик инвесторлар иштирокидаги жамиятни тузиш Ўзбекистон Республикасининг қонун ҳужжатларига мувофиқ амалга оширилади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда, уни таъсис этиш тўғрисидаги қарор давлат мулкини тасарруф этиш ваколатига эга бўлган орган томонидан қабул қилинади. Акциядорлик жамиятини тузиш тўғрисидаги таъсис шартномасини имзолаган юридик ва жисмоний шахслар акциядорлик жамиятининг муассислари деб тан олинади. Давлат ҳокимияти ва бошқарув органлари жамият муассислари бўлиши мумкин эмас. Жамият муассислари жамият давлат рўйхатидан ўтказилгунга қадар унинг тузилиши билан боғлиқ мажбуриятлар юзасидан солидар жавобгар бўладилар. Жамият муассисларнинг уни тузиш билан боғлиқ бўлган мажбуриятлари юзасидан фақат уларнинг ҳаракатлари кейинчалик акциядорларнинг умумий йиғилишида маъқулланган тақдирдагина жавобгар бўлади. Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда, давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган унинг муассиси бўлади. Ёпиқ акциядорлик жамияти муассислари ўртасида акцияларни тақ-

симлаш таъсис ҳужжатига мувофик амалга оширилади. Таъсис йиғилиши (конференцияси):

- акциядорлик жамиятини таъсис этиш тўғрисида қарор қабул қилади ва унинг уставини тасдиқлайди;
- акцияларга ортиқча обунани қабул қилади ёки рад этади. Акцияларга ортиқча обуна қабул қилинган тақдирда устав фонди тегишли равишда кўпайтирилади;
- таъсис этиш жараёнида муассислар томонидан тузилган шартномаларни тасдиқлайди;
- чиқарилаётган акциялар турларини ҳамда уларнинг сонини белгилайди; жамиятнинг кузатув кенгашини, тафтиш комиссиясини сайлайди;
- жамиятнинг ижроия органини тузади (сайлайди, тайинлайди). Таъсис йиғилишида (конференциясида) овоз бериш муассислар қўшган ҳиссаларга мувофиқ ўтказилади.

Таъсис йиғилиши (конференцияси) қарорларни оддий кўпчилик овоз билан қабул қилади. Таъсис шартномасини ўзгартириш тўғрисидаги қарорлар қабул қилинаётган ҳоллар бундан мустаснодир, бунда барча муассисларнинг розилиги талаб этилади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда, таъсис йиғилиши ўтказилмайди.

Таъсис йиғилиши (муассис) тасдиқлаган устав жамиятнинг таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Давлат корхонаси акциядорлик жамиятига айлантирилаётганда, давлат мулкини тасарруф этишга ваколатли орган тасдиқлайдиган эмиссия маълумотномаси ҳам таъсис ҳужжати ҳисобланади.

Жамиятнинг уставида қуйидаги маълумотлар бўлиши лозим:

- фирманинг тўлиқ ва қисқартирилган номи ҳамда жойлашган ери (почта манзили);
- фаолият соҳаси (асосий йўналишлари), мақсади ва муддатлари;
- устав фондининг миқдори;
- устав фондини кўпайтириш ёки камайтириш тартиби;
- чиқарилаётган акциялар турлари, уларнинг номинал қиймати, ҳар хил турдаги акцияларнинг нисбати;
- даромад(фойда)ни, дивидендларни тақсимлаш ва зарарни қоплаш тартиби;
- захира фондини ва бошқа фондларни ташкил этиш тартиби;
- жамият қатнашчиларининг ҳуқук ва мажбуриятлари;
- жамият бошқарувининг тузилиши, ижроия ва назорат органлари аъзоларининг сони, уларни сайлаш тартиби, бу органларнинг ваколатлари;
- йиллик ҳисоботларни тузиш, текшириш ва тасдиқлаш тартиби;
- жамиятни қайта тузиш ва тугатиш тартиби;
- жамият томонидан акцияларни жойлаштириш тартиби ва шартлари.

Жамият уставида битта акциядорга тегишли бўлган акциялар сони ва улар номинал қийматининг суммаси чеклаб қўйилиши мумкин. Жамият акциядор ёки ҳар қандай манфаатдор шахснинг талабига биноан уставда белгиланган муддатларда уларга жамият устави, шу жумладан, унга доир ўзгартишлар ва қўшимчалар билан танишиб чиқиш имкониятини бериши шарт. Жамият акциядорнинг талабига биноан жамиятнинг амалдаги уставидан нусха олиб бериши шарт.

АДАБИЁТЛАР:

1.Тадбиркорликка оид қонун ҳужжатлари тўплами. 1-том. (Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш ва тугатиш)- Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2002

2. Тадбиркорликка оид конун ҳужжатлари тўплами. (Тадбиркорлик фаолиятини ташкил этиш, лицензиялаш ва тугатиш)- Т.: Ўзбекистон Республикаси Адлия Вазирлиги, 2002

ЎзР ФА Фалсафа ва ҳуқуқ институти,
2009 йил 5 январда қабул қилинган
(Тақризчи: проф. Р.Рўзиев)